



2020 yil «31» март 46 – Қ - sonli

Samarqand sh.

Вилоят ҳокимининг 2020 йил 20 февралдаги “Вилоятдаги бозорлар ва савдо комплекслари маъмурияти томонидан ундириб олинган бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ва кўрсатиладиган хизматлар қиймати миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 22-Қ-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги “Дехқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1326-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2010 й., 17-сон, 131-модда) га мувофиқ, вилоят Бозорлар ва савдо комплекслари уюшмасининг 2020 йил 13 мартдаги (66-сон) мурожаати, вилоят Молия бошқармасининг 2020 йил 13 мартдаги (01/02-38/377-сон) хулосаси ҳамда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Ураковнинг 2020 йил 14 мартдаги (223/01-30-сон) билдиргисини инобатга олиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоят ҳокимининг 2020 йил 20 февралдаги “Вилоятдаги бозорлар ва савдо комплекслари маъмурияти томонидан ундириб олинган бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ва кўрсатиладиган хизматлар қиймати миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 22-Қ-сон қарори (Зарафшон газетаси, 2020 йил 22 февраль, 23-24-сон) 2-иловасининг 3.14 ва 3.15-бандлари чиқариб ташлансин.

2. Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати-матбуот котиби (М.Мирзаев) мазкур қарорни “Зарафшон” ва “Самарқандский вестник” газеталарида эълон қилинишини ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласин.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

4. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Ураков зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Э.Турдимов